

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВ ХАЙРУЛЛО НУЪМОНЖОНОВИЧ

**ПАХТА ТОЛАСИНИ ЧИГИТДАН АЖРАТИШ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020 йил

УЎК 677.021:677.21

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Шарипов Хайрулло Нуъмонжонович

Пахта толасини чигитдан ажратиш жараёнини такомиллаштириш 3

Шарипов Хайрулло Нуъмонжонович

Совершенствование процесса отделения хлопкового волокна от
семян 21

Sharipov Khayrullo

Improving the process of separating cotton fiber from seeds 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 42
List of published works

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВ ХАЙРУЛЛО НУЪМОНЖОНОВИЧ

**ПАХТА ТОЛАСИНИ ЧИГИТДАН АЖРАТИШ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган 2020 йил

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Г937 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига (www.nammti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедходжаев Хамит Турсунович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухаммадиев Давлат Мустафоевич
техника фанлари доктори, профессор

Бурхонов Ахмадjon Бурхонович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “22” август соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: nei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-кават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (385 -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2020 йил “17” август куни тарқатилди.
(2020 йил “ 17 ” августдаги 22 -рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Р.М.Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

О.Саримсаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

Қ.Холиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Пахта бўйича Халқаро консултатив кўмита (ICAC) маълумотларига қараганда «...жаҳон миқёсида ҳар йили 23-24 млн тонна пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда, унинг истеъмоли 24-25 млн. тоннани ташкил этади»¹. Пахта толаси истеъмолининг ошиши, унинг муайян тури ва навига, сифат кўрсаткичларига бўлган талабнинг ўзгариши туфайли сўнги йилларда муайян сифат кўрсаткичларига эга бўлган тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра дунё миқёсида пахта толаси ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш, маҳсулотлар сифатини ошириш ва таннархини камайтириш, пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида, шунингдек, пахта толасини чигитдан ажратиш жараёнида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, маҳсулот таннархини камайтирувчи ресурстежамкор технологияларни яратиш соҳадаги муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Дунёда пахтага дастлабки ишлов бериш технологияси, жумладан пахта толасини чигитдан ажратиш жараёни, техника ва технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, пахтани жинлаш жараёни самарадорлигини оширишнинг илмий асослари ишлаб чиқилмоқда, илмий ҳажмдор, шунингдек замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни жадаллаштириш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда, пахта толасини чигитдан ажратиш жараёнида тола ва чигитнинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш, жараён энергия сарфини камайтириш имконини берадиган, маҳсулот сифатини бошқара оладиган технологияларни, пахта толасини чигитдан ажратувчи кам материал ва энергия сарфлайдиган мукамал ускуналар яратиш соҳанинг долзарб масалалари даражасига кўтарилди.

Республикамизда пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, мамлакат пахта тозалаш саноати тузилмасини такомиллаштириш, техник ва технологик қайта қуриш асосида пахта маҳсулотлари таннархини камайтириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш орқали унинг рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилди. Ушбу вазифани бажаришда пахта хомашёси толасини чигитдан ажратиш жараёни назарий ва амалий таҳлиллари асосида жин машинаси ишчи камерасини такомиллаштириш ва унинг ҳисобига жинлаш жараёни

¹ International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September 1, 2019

самарадорлигини ошириш, хусусан, арра тишларига пахта толаси илашишини яхшилаш ҳамда хомашё валиги тезлигини мувофиқлаштириш ҳисобига жинлаш жараёнининг иш унумини ошириш ва энергия сарфини камайтириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли “Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахтага ишлов бериш техника ва технологиясини такомиллаштириш, аррали жинлар ишчи органларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш методларини ишлаб чиқиш, жин ишчи органлари янги конструкцияларини яратиш, технологик параметрлари ва жинлаш жараёнини муқобиллаштириш бўйича чет эл муҳандис ва олимларидан P.Pfieger, C.O.Jonkers, A.M.Martinenko, L.Gladinewiez, W.Pampel, H.H.Schommer, N.I.Kolchin, F.Reiner, J.Pfeifer, P.Bernard, G.Veit ва бошқалар тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ўзбекистонда Б.Левкович, Г.И.Мирошниченко, Р.Г.Махкамов, Г.Д.Джабборов, Г.И.Болдинский, В.Г.Гулидов, Э.Т. Махсудов, П.Н.Тютин, А.Джураев, М.Т.Тиллаев, Р.М.Каттахўжаев, А.Е.Лугачев, Б.М.Мардонов, Х.Т.Ахмедходжаев, Р.М.Мурадов, Д.М.Мухаммадиев, Р.Х.Максудов, С.З.Юнусов, Ж.С.Эргашев, Н.М.Сафаров, А.А. Умаров, А.У. Саримсаков ва бошқа олимларнинг пахта толасини чигитдан ажратиш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлари натижасида пахта тозалаш соҳаси фани, техника ва технологияси муайян даражада ривожланди.

Жин машинасининг иш унумдорлигини ўсиши албатта хомашё валиги зичлигини ортиши билан бирга содир бўлиши исботланган. Аммо, зичликнинг ортиши билан унумдорлик ортиши маълум чегарагача бўлиб, кейин унумдорлик пасая бошлайди. Бу ишқаланиш кучларининг таъсирида хомашё валиги айланиш тезлиги камайиб бориши билан боғлиқ бўлиб, зичлик $550\div 600 \text{ кг/м}^3$ бўлганида жараён бутунлай тўхтаб қолиши аниқланган. Бу ҳолат пахтани жинлаш жараёнига салбий таъсир қилиб, иш унумдорлиги ва тола сифатининг пасайиб кетишига сабабчи бўлади. Бу камчиликни бартараф қилиш учун жинлаш жараёнини янада мукамал ўрганиш, ишчи камерадан толасидан ажралган чигитнинг чиқишини тезлаштиришнинг

амалдагидан бошқа усуллари ишлаб чиқиш талаб этилади. Соҳада ҳозирги кунгача олиб борилган изланишларда жинлаш жараёнида толаси ажратилган чигитни жин машинаси ишчи камерасидан чиқишини колосник конструкциясини такомиллаштириш йўли билан тезлаштириш масаласи етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ИТД-3-65 «Пахта тозалаш заводларида тола сифатини яхшилаш ва миқдорини ошириш мақсадида чигитдан толани ажратиш жараёнини жин машинаси элементларини янги конструкциясини яратиш йўли билан такомиллаштириш» мавзусидаги (2012-2014) ва № И-2016-2-15 «Жин машинасида хомашё валигининг тезлигини ошириб берувчи мослама яратиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2016-2017) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аррали тола ажраткич колосниги конструкциясини такомиллаштириш орқали жинлаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

пахтани дастлабки ишлаш технологик занжирида жинлаш жараёнини назарий тадқиқ қилиш орқали хомашё валиги зичлиги ва айланиш тезлиги орасидаги боғланишни аниқлаш;

хомашё валигининг айланиш тезлигига ишчи камеранинг ботиқ юзали колосник таъсирини назарий йўл билан ўрганиш;

хомашё валиги ва аррали цилиндр ўртасидаги ўзаро таъсир кучларини аниқлаш ва унинг ишчи камерадаги ҳаракатини моделлаштириш;

толаси ажралган чигитни ишчи камерада чиқишини тезлаштиришнинг янги усулини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширувчи қурилма конструкциясини яратиш;

ботиқ юзали колосник ўрнатилган жин машинаси ишчи камерасини ишлаб чиқиш ва унинг рационал ўлчамлар қийматларини аниқлаш;

ботиқ юзали колосник ўрнатилган жин машинаси ишчи камерасини ишлаб чиқариш синовларидан ўтказиш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта ва уни жинлаш жараёни, аррали жин ва унинг ишчи органлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети аррали жин ишчи органларининг параметрлари ва ишчи камерадаги хомашё валигининг ҳаракат режимлари, уларни ҳисоблаш методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида олий математика, назарий механика, шунингдек, туташ муҳитлар динамикаси, эҳтимоллар назарияси, экспериментларни режалаштириш ва оптималлаштириш, дастурлаш, ўлчаш, назорат қилиш, назарий ва амалий тадқиқот натижаларни ўзаро солиштириш, жараёнларни кузатиш, назорат ва таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аррали жин ишчи камерасидан пахта чигитининг тезкор чиқиб кетишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ботиқ ишчи юзага эга бўлган колосник конструкцияси ишлаб чиқилган;

толадан ажралган чигитнинг колосник ишчи юзаси бўйлаб ҳаракатини таҳлил қилиш йўли билан ботиқ профилнинг ишчи камерадан чигитнинг чиқиш тезлигига таъсири аниқланган;

толадан ажралган чигитнинг колосник ишчи юзаси ботиқ профили бўйлаб ҳаракатини таҳлил қилиш орқали ботиқ юза кенглиги ва чуқурлиги ўлчамлари аниқланган;

режали экспериментлар натижаларини таҳлил қилиш орқали аррали жин колосниги ботиқ юзасининг мақбул ўлчамлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аррали жин учун ишчи камерадан пахта чигитининг чиқиб кетишини осонлаштиришувчи ботиқ ишчи юзага эга бўлган колосник конструкцияси ишлаб чиқилган;

толадан ажралган чигитнинг колосник ботиқ ишчи юзаси бўйлаб ҳаракати тезлиги аниқланган;

аррали жин колосниги ботиқ юзаси мақбул ўлчамлари режали экспериментлар натижалари ёрдамида асослаб берилган;

аррали жин машинаси учун фойдали моделга Республика патенти билан ҳимоя қилинган, ботиқ профилли колосник конструктив ва технологик параметрлари аниқланган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий изланишлар натижаларини ўзаро мутаносиблиги ва фан-техника ва технологиялар ривожланишининг амалдаги ва истиқболдаги анъаналарига мувофиқ келиши, тадқиқотларда стандарт усул ва замонавий назорат-ўлчов воситаларидан фойдаланилганлиги, тавсия этилган ишчи органлари бўлган аррали жиннинг коллегиял ҳолда ўтказилган ва расмийлаштирилган ишлаб чиқариш синовлари ҳамда мавжуд аррали жин кўрсаткичлари билан солиштириш натижалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аррали жиннинг тавсия этилган ишчи органлари ва материал ҳаракатларини ифодаловчи динамик ва математик моделлари, масалаларнинг сонли ечимлари, ҳаракат қонунлари ва параметрларининг ўзаро боғланишлари, машина ишлаш режимларини танлаб олиш усуллариининг пахтани жинлаш назарияси асосларини муайян даражада бойитиш ва ривожланишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилгани, олинган натижаларнинг амалиётдаги натижалар билан мутаносиблиги, тажрибавий тадқиқот натижаларига биноан ботиқ юзали колосник толасидан ажралган чигитларни ишчи камерадан чиқишини тезлаштириши пахтани жинлаш самарадорлигини оширишни таъминлаши ва иқтисодий самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жинланган чигитни ишчи камерадан чиқишини тезлаштириш ва тола ажратиш жараёни самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида:

жин машинаси учун колосник яратиш бўйича Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Жин машинаси учун колосник», № FAP 00808-2013 й.). Натижада аррали жин ишчи камерасида толаси ажратилган чигитнинг тезроқ чиқиб кетиши жинлаш унумдорлигини ошириш имконини берган;

аррали жин ботик ишчи юзага эга бўлган колосник мақбул параметрлари «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги «Косонсой пахта тозалаш» А/Жда жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 30 июлдаги 03-18/2052-сон маълумотномаси). Натижада I-, II- ва III-нав пахтани ишлашда пахта толасидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар массавий улушини 0,2-0,5% ораликда камайтириш, штапел масса узунлигини 0,1-0,2 мм ораликда ошириш, чигитнинг механик шикастланганлигини 0,5-0,8 % ораликда, чигитнинг тукдорлигини 0,3-0,5 % ораликда камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтган ҳамда 2016 йил «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» Республика ярмаркасида намойиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий ишларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та, улардан 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган. Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга 1 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пахтани дастлабки ишлаш технологиясида толани чигитдан ажратиб олиш (жинлаш) жараёни**» деб номланган биринчи бобида пахтани дастлабки ишлаш бўйича жаҳоннинг етакчи ишлаб

чиқарувчиларидан бири АҚШ компанияларининг чигитдан толани ажратиш техника ва технологиялари чуқур ўрганилган. Шунингдек, Республикамизнинг бир қатор олимлари томонидан жин машинасини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Пахтани қайта ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш, аррали жинлар ишчи органларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш методларини ишлаб чиқиш, жин ишчи органлари конструкцияларини такомиллаштириш, технологик параметрлари ва жинлаш жараёнини муқобиллаштириш бўйича хорижий мамлакатларда N.I.Kolchin, A.M.Martinenko, L.Gladinewiez, P.Pfieger, W.Pampel, G.Veit, H.H.Schommer, F.Reiner, J.Pfeifer, C.O.Jonkers, P.Bernard ва бошқа олимлар изланишлар олиб борган.

Илмий тадқиқотларни турли йилларда Левкович Б.А., Болдинский И.Г., Мирошниченко Г.И., Студенцов А.И., Роганов Б.И., Хожинова М.А., Гробер А.Д., Бекмирзаев Б.И., Каттаходжаев Р.М., Фазилдинов С., Расулов А., Россейкин П.Л., Паньков В.А., Гнеденко В.И. ва бошқалар бажардилар. Бу йўналишдаги тадқиқотларда муҳим натижаларга эришганлар сифатида қуйидаги муаллифларни алоҳида кўрсатиш лозим: Кулешова М.Ф., Матмусаев У.М., Тютин П.Н., Лугачев А.Е., Махсудов Э.Т., Кадиров А.А., Мансуров Х.М., Якубов Б.Н., Бурнашев Р.З., Корабельников Р.В., Мавлябиева Ф.М., Хафизов И.К., Ахмедходжаев Х.Т., Муродов Р.М., Тиллаев М.Т., Мухамадиев Д. М., Гулидов Н.Г., Сафаров Н.М., Юнусов С.З., ва Агзамов М.


Илмий изланишларда жинлаш, хомашё камераси режимини асослаш, аррали цилиндр, колосникларини параметрлари ва арра тишларидан толани ечиб олиш жараёни, толани ажратиш ва жиннинг ишчи органлари конструкцияларини такомиллаштириш бўйича қатор масалалар кўрилган. Маълумки, жинлаш жараёнида толаси ажратилган чигитни колосниклар юзаси бўйлаб ажралиб чиқиб кетиши катта аҳамиятга эга. Чунки, толаси ажратилган чигитни аксарияти жин арраларига илашган ҳолда, қайта жинлаш жараёнига ўтиб кетади. Бу ўз навбатида, жинланган чигитни хомашё валиги ичида узоқ қолиб кетишига сабаб бўлади. Натижада хомашё валиги толадорлиги пасайиб, жинлаш жараёнини самарадорлигини пасайишига олиб келади.

Шунинг учун аррали жин ишчи органларини (аррали цилиндр, хомашё валиги тезлатгичи, ишчи камера) такомиллаштириш ва ишлаш режимларини ҳисоблаш методларини ишлаб чиқиш, жинлаш жараёнида толаси ажратилган чигитни жин машинаси ишчи камерасидан чиқишини тезлаштиришни таъминлаш масаласи соҳанинг муҳим илмий муаммоси ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Аррали жин ишчи камерасида пахта чигити ҳаракатини назарий йўл билан текшириш**» деб номланган иккинчи бобида жинлаш жараёнида толаси ажратилган чигитнинг колосниклар юзаси бўйлаб ҳаракати ва ажралиб чиқиб кетишининг юз бериш жараёни ўрганилган.

Мавжуд колосниклардан фарқли равишда, ботиқ юзали колосникларда толаси ажратилган чигитнинг хомашё валигидан тезроқ ажралиб, чиқариб юборилиши таъминланади.


Ботиқ юзали (1-расм) колосникда толаси ажратилган чигитни ҳаракат қонунияти назарий йўл билан ўрганилган.



1-расм. Юзаси ботиқ колосник
1 - юзаси ботиқ колосник, 2 - толаси ажратилган чигит

Тукдорлик даражасидан катъий назар, жин арраси орасига толаси ажратилган чигитга, колосник ишчи юзаси томонидан таъсир этувчи кучлар статика нуқтаи назаридан адабиётларда кўриб чиқилган.

Масаланинг математик модели.



2-расм. Толаси ажратилган чигит ҳаракати

а) Толаси ажратилган чигит (2-расм) колосникни AB ёйсимон қисми бўйлаб юқоридан қуйига ўз оғирлиги $G = mg$ таъсирида ҳаракатларини чигит массаси m бўлган материал нуқта деб, уни ҳаракатини: AB – участкада, табиий координаталар системасига нисбатан текшираимиз.

Фараз қилайлик, толаси ажратилган чигит AB радиуси R маркази O нуқтада бўлган ёй бўйлаб ҳаракатлансин.

Бу ҳолда M - чигитга таъсир этувчи кучлар.

Оғирлик кучи: $G = mg$.

Колосникни чигитга кўрсатган реакцияси N

Чигит билан колосник сирти ўртасида содир бўлувчи ишқаланиш кучи:

$$F_{\text{ишк}} = f \cdot N, \quad f - \text{ишқаланиш коэффициенти.}$$

Чигитни колосник сирти бўйлаб ҳаракат тенгламасини тузамиз

$$\begin{cases} m \frac{dv}{dt} = F_r \\ m \frac{v^2}{R} = F_n \end{cases}$$


Бу ерда R – чигит траекториясини эгрилик радиуси; v – уни тезлигини модули.

Чигитни тушиш тезлиги колосник ботиклик чуқурлиги ўлчамларига боғлиқ бўлиб, кичик ўлчамдаги чигит колосник сирти билан ишқаланиш коэффициентини ошишига олиб келади. Колосникни ёйсимон қисмидан тўғри йўналишдаги қисмига ўтишда, чигитларни тезликлари энг катта қийматга эга бўлади.

Аррали жинда, якка ва тизимли чигитнинг ботик профили колосник бўйлаб ҳаракатини назарий тадқиқоти. Колосникли панжара аррали жин иш камерасининг муҳим қисмларидан биридир. У арра дискларини колосниклар орасидан иш камерасига эркин ўтказиб, арра тишларига илинган толаларни чигитидан ажралганидан кейин эркин олиб чиқиб кетиши учун хизмат қилади.

Жин машинаси ишчи элементларини такомиллаштирган ҳолда бир қанча тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқотлардан мақсад, колосникларнинг ишчи юзаси ботик ҳосил қилиш йўли билан толадан ажратилган чигитни, аррали тола ажратгич ишчи камерасидан ўз вақтида чиқиб кетиш имкониятини яратиб бериш. Бу иш жараёни амалга оширадиган қурилмани тайёрлаб, унинг самарали ишлайдиган технологик ўлчамларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

1. Колосник профилини назарий кўриниши ва уни таҳлили



3-расм. Ботик профили колосникнинг ҳисоб схемаси

Ботик юзали колосникни АВ, ВС, CD, ДЕ ва ЕF - учаскаларини бир-бирига ўтиш жойлари, айлана ёйлари билан ифодаланган бўлсин (3-расм).

Айлана тенгламаларини қуйидагича ёзамиз:

$$\left. \begin{aligned} (x - x_1)^2 + (y - y_1)^2 &= R_1^2 \\ (x - x_2)^2 + (y - y_2)^2 &= R_2^2 \end{aligned} \right\} (1)$$

Бу ерда x_i ; y_i – айлана марказларининг координаталари, R_i – уларнинг радиуси.

АВ, ВС ва CD тўғри чизиқлар тенгламалари:

$$\left. \begin{aligned} y_1 &= k_1(x - x_{11}) + y_{11} \\ y_2 &= k_2(x - x_{12}) + y_{12} \\ y_3 &= k_3(x - x_{13}) + y_{13} \end{aligned} \right\} (2)$$

x_{11} , y_{11} нукталар айланада ётади шунинг учун

$$(x_{11} - x_1)^2 + (y_{11} - y_1)^2 = R_1^2 (3)$$

Ундан ташқари АВ тўғри чизиқни бурчак коэффициент

$$k_1 = \frac{x_{11} - x_1}{\sqrt{(x_{11} - x_1)^2 + (y_{11} - y_1)^2}} = \operatorname{tga}_1 (4)$$

Агар k_1 – бурчак коэффициентлари берилган бўлса (2) ва (4) тенгламалардаги x_{11} ва y_{11} координаталар аниқланади.

Худди шундай x_{12} y_{12} координаталар ҳам аниқланади

$$(x_{12} - x_1)^2 + (y_{12} - y_1)^2 = R_1^2 \quad (5)$$

$$k_2 = \frac{x_{12} - x_1}{\sqrt{(x_{12} - x_1)^2 + (y_{12} - y_1)^2}} = \operatorname{tga}_2 \quad (6)$$

$$(x_{21} - x_2)^2 + (y_{21} - y_2)^2 = R_2^2 \quad (7)$$

$$k_3 = \frac{x_{21} - x_2}{\sqrt{(x_{21} - x_2)^2 + (y_{21} - y_2)^2}} = \operatorname{tga}_3 \quad (8)$$

$$k_3 = \frac{x_{22} - x_2}{\sqrt{(x_{22} - x_2)^2 + (y_{22} - y_2)^2}} = \operatorname{tga}_3 \quad (9)$$

(3-8) тенгламаларнинг ҳар биридан x_{11} ; y_{11} ; x_{12} ; y_{12} ; x_{21} ; y_{21} ; x_{22} y_{22} номаълум координаталар аниқланди. Колосник ботиқлиги тенгламаси қуйидагича ёзилади

$$y = k_1(x - x_{11}) + y_{11} \quad x_0 < x < x_{11}$$

$$y = y_1 - \sqrt{R_1^2 - (x - x_1)^2} \quad x_{11} < x < x_{12}$$

$$y = k_2(x - x_{21}) + y_{21} \quad x_{12} < x < x_{22}$$

$$y = y_2 - \sqrt{R_2^2 - (x - x_2)^2} \quad x_{21} < x < x_{22}$$

$$y = k_3(x - x_{22}) + y_{22} \quad x_{22} < x < x_{12} \quad (10)$$


Колосник профилини бўлакли функциялардан фойдаланиб, юқоридаги тенгламалар асосида, хоу – координаталар системасидаги кўриниши MAPLE-17 дастурида чизилган кўриниши 4-расмда келтирилган.

Пахта чигити оқимини колосник контури бўйлаб харакатини назарий ўрганиш. Фараз қилайлик, колосник контури икки айланадан ва иккита тўғри


чизиқдан ташкил топган бўлсин. Контур бўйлаб пахта чигитидан иборат оқим ҳолатда харакатланади. Оқимнинг контур бўйлаб қалинлиги ўзгармас h_0 га тенг деб оламиз.

Колосникнинг бошлангич контури айлана ёйи АВ унинг давоми ВС тўғри чизиқ, сўнгра CD айлана ёйи ва DE тўғри чизиқдан иборат бўлсин (5-, 6-расм).

Колосник профилини горизонтал ўқ билан 50° , 60° , 70° , 80° ташкил этган ҳолатлардаги кўриниши MAPLE-17 дастурида бўлакли функциялардан фойдаланиб чизилган ва улар 7-, 8-расмларда келтирилган.




4-расм. Колосник профилини бўлакли функциялардан фойдаланиб, юқоридаги тенгламалар асосида, хоу – координаталар системасидаги кўриниши




5-расм. Пахта чигити оқимининг колосник контури бўйича ҳаракат схемаси

AB – *CD* айланалар ёйи, *BC* – тўғри чизиклар




6-расм. Колосникнинг танланган ҳисоблаш контури

$$A = 0.001 \text{Па}^{-1}$$





$$A = 0.005 \text{Па}^{-1} \quad \beta_4 = 50^\circ$$




7-расм. Чигит оқими тезлигининг бурчак β_4 ва параметр A нинг иккита қиймаларида контур бўйлаб тақсимланиш графиклари

Колосник профилини горизонтал йўналиши билан ҳосил қилган оғиш бурчагини ошиб бориши билан, чигитни колосник бўйлаб тушиши тезлашади. Лекин оғиш бурчагини максимал қийматини танлашда колосник профилини аррали жин машинаси аррали цилиндрига жуда яқин қилиб жойлаштириб бўлмайди. Шунини ҳисобга олиб, 70° оғиш бурчаги оптимал бурчак, деб қабул қилиш мумкин (9-расм).



8-расм. Чигит оқими зичлигининг бурчак β_4 ва параметр A нинг иккита қийматларида контур бўйлаб тақсимланиш графиклари ρ ($\text{кг}/\text{м}^3$)



9-расм. Ботиқ профилли колосникни $(x: y)$ текислигидаги кўриниши

1-колосник бурчаги 50°	профили	оғиш
2-колосник бурчаги 60°	профили	оғиш
3-колосник бурчаги 70°	профили	оғиш
4-колосник бурчаги 80°	профили	оғиш


Диссертациянинг «Аррали жин ишчи камераси қисмларини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибалар таҳлили» деб номланган учинчи бобида жин машинасининг 30 аррали тажриба ўтказишга мўлжалланган қурилмаси ёритилган. 30 аррали ва 130 аррали жинлар ишлаганда битта аррага тўғри келган жиннинг иш унумдорлиги бир хил бўлади. Мана шуларни инобатга олган ҳолда тажрибаларни 30 аррали жинда ўтказилди. Бундан ташқари 30 аррали жинда кўрилатган ишчи элементлар конструкцияларини ўзгартириш ва тайёрлаш қулай.

Жин машинасининг 30 аррали тажриба қурилмаси ишлаганда, пахта бункер 1 дан таъминлаш валиклари 2 ёрдамида қозикли барабан 3 га узатилади. Қозикли барабан 3 ёрдамида пахта титилиб, тўрли юзага урилади ва майда ифлосликлардан тозаланади, сўнг ишчи камерага келиб тушади.

Ишчи камерада пахта аррали цилиндр тишлари ёрдамида илаштириб олиб хомашё валигини ҳосил қилади. Арра тишларига илашган тола колосниклар 8 орасидан ўтиб, чигитдан ажралади, ораликқа сиғмаган чигит оғирлиги таъсирида думалаб пастга тушиб кетади. Аррали цилиндр тишларига илашган тола ҳаво оқими ёрдамида ажратиб олинади.


Арра тишларига илинган толалар колосникларнинг орасидан олиб ўтилади, чигит эса ўта олмай тўхтаб қолади, шунда толалар чигитдан ажралади. Маълумки, жинлаш жараёнида 25% тола ва толасидан ажралган чигит хомашё валигида кўп туриб қолиши сабабли механик шикастланади. Толаси ажратилган чигит хомашё валигининг марказий қисмига йиғила бошлайди. Натижада хомашё валигининг зичлиги ортиб, чигит ва толанинг шикастланиши кўпайишига олиб келади.

Тола ажратгич (жин) нинг ишчи камерасида ҳосил бўлган хомашё валигининг 50 фоизини толалардан ажралган чигит ташкил қилади. Шунинг учун ишчи камерада мана шу толадан ажралган чигитни тезроқ чиқариб юборилса, унда тола ажратгичнинг иш унумдорлиги ошади.



10-расм. Жин машинасининг 30 аррали қурилмаси схемаси

1-бункер, 2-таъминлаш валиклари, 3-қозиқли барабан, 4-тўрли юза, 5-тарнов, 6-ишчи камера, 7-чигит тароғи, 8-колосниклар, 9- ҳаво соплоси, 10, 12 -электромотор, 11-вентилятор, 13- аррали цилиндр




11-расм. Жин машинасининг 30 аррали қурилмаси

Илмий тадқиқот ишининг мақсади колосникларнинг ишчи юзасида ботиклик ҳосил қилиш ва хомашё валигининг зичлигини бир текисда таъминлайдиган мосламани яратиш йўли билан толадан ажралган чигитнинг аррали толаажратгич иш камерасидан ўз вақтида чиқиб кетиши учун имконият яратиб беришдан иборат. Толадан ажралган чигит арра орасидаги

колосник юзаси бўйлаб ўз оғирлиги таъсирида пастга қараб ҳаракатлана бошлайди. Колосникнинг ишчи юзаси хомашё валигига тегиб турганлиги сабабли толадан ажралган чигит пастга тушмасдан хомашё валигига аралашиб кетади. Таклиф қилинаётган колосник юзаси ботик бўлганлиги сабабли толадан ажралган чигит шу ботикликдан ўз оғирлиги таъсирида пастга тушиб кетади.

Ушбу қурилма ишлаганда жин ишчи камерасида ҳосил бўлган хомашё валигидан арралар 4 ёрдамида пахта бўлаклари колосниклар 3 томон олиб келинади. Ишчи қисмда толадан ажралган чигит ботик юзали колосникка тушади ва арралар тиши билан таъсирлашмайди ҳамда ўз оғирлиги билан пастга тушиб кетади. Чигитдан юлиб олинган толалар эса колосниклар орасида тирқишдан ўтиб кетади (12-расм).



12-расм. Янги колосникли жин ишчи камераси ва колосник кўндаланг кесим юзларининг схемалари

- 1 - колосникнинг юқориги буси; 2 - колосникнинг пастки буси;
3 - колосниклар; 4 - арра; 5 - пўлат пруток; 6 - чигит тароғи

Янги таклиф қилинаётган колосник хомашё валигидан чигитни ўз вақтида чиқариб юборишга мўлжалланган бўлиб, бунинг ёрдамида тозаланган чигит камерада кўп қолиб кетмасдан чиқариб юборилади.


Уч хил шаклда тайёрланган аррала колосниклар “Косонсой пахта тозалаш” акциядорлик жамияти корхонаси технологик жараёнидаги жин машинасига ўрнатилди.

Колосниклардан ажралиб чиқаётган чигитни таққослаб кўриш учун Г шаклдаги 20 дона ботиксиз колосниклар ҳам ўрнатилди (13-расм).

Колосник ботиклик ўлчамлари турлича бўлган колосникларда маълум вақт ичида ажралиб чиқиб кетаётган чигит миқдори аниқланди. Аниқланган

чигит миқдори бир-бири билан солиштириб кўрилганида А шаклда бўлган колосник ботиклик юзасидан чигитнинг жин ишчи камерасидан кўп ажралиб чиқиб кетаётгани аниқланди.

Бу таҳлиллар чигитнинг ишчи камерадан чиқиб кетиши 18 % тезлаштирганини кўрсатади. Бундай ўзгариш жиннинг иш унумдорлигини ошишини таъминлаши билан бирга тола сифатини яхшилаш, чигитнинг шикастланишини камайтириш имконини беради.



13-расм. Колосникларни жинга ўрнатиш схемаси

1-жадвал

Тажрибанинг кириш омиллари

Колосник шакли	Колосник юзасида очилган ботиклик	
	Ботиклик эни, мм	Ботиклик чуқурлиги, мм
А шакл	12	4
Б шакл	10	3
В шакл	8	2
Г шакл	0	0

2-жадвал

Тадқиқ этилаётган омиллар оралиқлари


Омиллар	x_{\max}	x_{\min}	Δ	x_0
Колосник ботиклик эни, мм	12	8	2	10
Колосник ботиклик чуқурлиги, мм	4	2	1	3

Колосник ботиклик эни, мм X_1 , тажриба ўтказиш жараёнида 8-12 мм оралиғида танлаб олинди. Шунингдек, мавжуд колосникларни максимал унумдорликда ишлатиш ишчи камерадан чигит чиқиб кетишини камайтириб юборади. Лаборатория шароитида имкониятларнинг чекланганлигини инобатга олиб, иш унумини 1 минутда чигит миқдори (кг/минут) бўйича баҳоланди ва таҳлилларда стандарт ўлчовлар (тонна/соат) га айланттирган ҳолда иш кўрилди.

Ботиқ юзали колосник чуқурлиги, мм X_2 . Ботиқ юзали колосник чуқурлиги асосий омиллардан бири ҳисобланиб, чигитнинг ҳаракатланиши белгилайди. Дастлабки тажрибалар натижаларини ҳисобга олиб ботиқ юзали колосник чуқурлиги 2-4 мм оралиғида танлаб олинди.

Синов натижаларининг статистик ишловларидан сўнг қуйидаги регрессион тенглама олинди:

$$y = 10,55 + 0,45x_1 + 0,75x_2$$



1 - $Q=9$ кг/мин, $a_1=8$ мм, $b_1=2,0$ мм; 2 - $Q=10$ кг/мин, $a_1=10$ мм, $b_1=3,0$ мм;
3 - $Q=11$ кг/мин, $a_1=12$ мм, $b_1=4,0$ мм.

14-расм. Чигит чиқиш миқдорини колосник эни ва ботиқлигига боғлиқлиги

Графикдан кўриниб турибдики (14-расм), колосник ботиқлик энининг ҳар-хил қийматларида колосник ботиқлиги билан чигитнинг тушиш миқдори ўртасидаги чизиқли боғлиқлик мавжуд.

Диссертациянинг «**Аррали жиннинг асосий қисмлари кўрсаткичларини мақбуллаштириш ва тадқиқотлар натижаларини қайта ишлаш**» номли тўртинчи бобида ботиқ юзали колосникни ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган синов натижалари акс этган.

Аррали жиннинг рационал параметрли ботиқ юзали колосник «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги «Косонсой пахта тозалаш» А/Жда жорий этилган. Натижада, ботиқ юзали колосникнинг ишлаб чиқаришга жорий

қилиниши I-, II- ва III-нав пахтани ишлашда пахта толасидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар массавий улушини 0,2-0,5 % ораликда камайиши, штапел масса узунлигини 0,1-0,2 мм ораликда ошиши, чигитнинг механик шикастланганлигини 0,5-0,8 % ораликда, чигитнинг тукдорлигини 0,3-0,5 % ораликда камайиши аниқланди.

Шунингдек, жин машинаси ишчи камерасига ботиқ юзали колосник ўрнатилиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида олинган иқтисодий самарадорлик бир йилда 37 800 минг сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

Тола ажратиш жараёни самарадорлигини ошириш мақсадида аррали жин колоснигини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Республика ва чет эл илмий тадқиқотчилари томонидан тола ажратиш машиналари ва унинг асосий элементлари ишини такомиллаштириш мақсадида ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлили мавжуд аррали жин машиналарининг бир қатор камчиликларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тадқиқот йўналишларини белгилаб олиш имконини берди.

2. Жин машинаси колосник юзасида толадан ажралган чигитнинг ҳаракати назарий йўл билан ўрганиш натижасида олинган дифференциал тенглама чигитнинг ҳаракат траекториясини аниқлаш имконини берди.

3. Пахта чигитини колосник контури бўйича ҳаракати, унинг тезлигини V , зичлигини ρ , босимини P инобатга олган ҳолда Эйлер тенгламаси тузилди ва ечиб чигитнинг колосник контури бўйлаб тақсимланиш графиги олинди.

4. Жин машинасининг 30 аррали тажриба қурилмаси тайёрланиб, унда ботиқ юзали колосник синовдан ўтказилганда олинган натижалар мақбул ўлчамларини аниқлаб, ишлаб чиқаришга жорий қилиш имконини берди.

5. Математик режалаштириш усулини қўллаб ўтказилган тадқиқотлар натижаси бўйича ишчи камерада толадан ажралган чигитнинг бўлиш вақтини камайтириш имконини берадиган ботиқ юзали колосник ўлчамлари аниқланди. Колосникни ботиқлик эни $a_1=12$ мм ва ботиқлик чуқурлиги $b_2=4$ мм бўлганда энг яхши самара беришини аниқланди.

6. Ботиқ юзали колосникнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши I-, II- ва III-нав пахтани ишлашда пахта толасидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар массавий улушини 0,2-0,5% ораликда камайтириш, штапел масса узунлигини 0,1-0,2 мм ораликда ошириш, чигитнинг механик шикастланганлигини 0,5-0,8 % ораликда, чигитнинг тукдорлигини 0,3-0,5 % ораликда камайтириш имконини берди.

7. Жин машинасида ботиқ юзали колосник ўрнатилиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида олинган иқтисодий самарадорлик ўрта қувватли битта пахта тозалаш корхонасига бир йилда 37 800 минг сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ШАРИПОВ ХАЙРУЛЛО НУЪМОНЖАНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОЦЕССА ОТДЕЛЕНИЯ ХЛОПКОВОГО
ВОЛОКНА ОТ СЕМЯН**

05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2020 год

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.4.PhD/T937.

Докторская диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.namti.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Ахмедходжаев Хамит Турсунович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мухаммадиев Давлат Мустафоевич
доктор технических наук, профессор

Бурхонов Ахмаджон Бурхонович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

**Научно-исследовательский институт
натуральных волокон Республики
Узбекистан**

Защита диссертации состоится «22» августа 2020 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.30.05.2018.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 100100, г.Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75. e-mail: niei_info@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 385).
Адрес 100100, г.Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «17» 08. 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 22 от «17» 08. 2020 года).



Р.М.Муратов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

О.Саримсаков

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

К.Халиков

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным «международного консультационного комитета по хлопку» (ICAC) «...каждый год в мире выпускается 23-24 млн. тонн хлопкового волокна, его годовое потребление составило 24-25 млн. тонн.»¹. Из-за увеличения потребления хлопкового волокна, изменились требования к ее определенному виду и сорту, качественным показателям. В связи с этим в мировом масштабе его обеспечение эффективности производства хлопкового волокна, повышение качества, снижение себестоимости, определение и предотвращение факторов, отрицательно влияющих на качество продукции на всех этапах производства, в том числе в процессе отделения волокна от семени, создание ресурсосберегающих технологий, снижающих себестоимость продукции остаются важнейшими задачами отрасли.

В мире проводятся научные исследования, направленные на совершенствование процесса, техники и технологии первичной обработки хлопка, в частности отделения волокна от семени. В этом направлении, в частности, разрабатываются научные основы повышения эффективности процесса дженирования хлопка, уделяется отдельное внимание улучшению качества и снижению себестоимости продукции путем ускорения широкого внедрения в производство наукоёмкой, а также современной техники и технологии.

При выполнении этой задачи совершенствование рабочей камеры пильного джина на основе теоретических и практических исследований отделения хлопкового волокна от семени и повышение при этом эффективности процесса дженирования, в частности улучшения зацепления хлопкового волокна на зубья пил, а также повышения производительности и уменьшения расхода энергии являются важными проблемами.

В нашей республике уделяется большое внимание стремительному развитию производства готовой продукции с добавочной стоимостью на основе глубокой переработки хлопкового сырья, обеспечению конкурентоспособной хлопковой продукции на внутреннем и внешнем рынке на основе модернизации хлопкоочистительных заводов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусматривается «... повышение конкурентоспособности национальной экономики, сокращение в экономике энергетических и материальных расходов, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики

¹ International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September 1, 2019

